

## Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун

### 28 - сонли ШАРТНОМА

Термиз ш.

“13” Май 2022 йил

Бундан буён **Буюртмачи** деб юритиладиган “Узун туман Ободонлаштириш бошқармаси” номидан директор Ғуллаев Б. бир томондан ва «TERMIZ GRAND ROAD PROJECT» МЧЖ, бундан буён **Бажарувчи** деб аталувчи номидан Низом асосида иш юритувчи директор У. Саидов, иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

#### 1. Шартнома предмети

1.1. **Буюртмачи:** Узун тумани Иттифоқ МФЙ Мустақиллик ва Шодлик кўчаларини жорий таъмирлаш (Асфальт қоплама етказиши) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш топширади, **Бажарувчи** эса ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тузилган.

1.3. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш шартнома имзоланиб кучга кирган кундан бошланиб, 15 иш кунида тугатилади.

1.4. Ишчи лойиҳа Давлат экспертизадан ўтказилган кун ишлар тугатилган деб ҳисобланади. Агарда Давлат экспертиза ҳулосаси ишчи лойиҳа Буюртмачига топширилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилса, ишларни тугатиш муддати кечиктирилган кунга узайтирилган ҳисобланади.

#### 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишларни амалга оширишнинг баҳоси **ҚҚС сиз 16 450 000 (ўн олти миллион тўрт юз эллик минг)** сўми ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ҳужжатларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартномани имзолагандан кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30 % миқдорида аванс тўловини амалга оширилиб қолган 70% иш бажарилгандан кейин тўлаб беришга келишилди.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан ишлар мазкур шартноманинг 4.4. моддасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг 5 (беш) банк кунида ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, объект бўйича давлат экспертизаси томонидан якуний экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг қолган маблағ учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи ишчи лойиҳани ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

Объектнинг баҳосини жорий нархларда ҳисоблаб чиқиш учун Пудратчи (курувчи) тўғрисида керакли маълумотларни шартномада кўрсатилган ишларни бажариш муддатининг охири кунидан камида 20 кун олдин Буюртмачи Бажарувчига тақдим этади. Агарда ушбу маълумот берилиши кечикса шартнома муддати ҳам ўшанча кунга узайтирилган деб ҳисобланади.

3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларига мувофиқ бажарилишида Буюртмачи томонидан бажарилиши зарур ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ва сифатсиз бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланиш натижасида кўшимча (кўзда тутилмаган) ишлар ва харажатлар аниқланса, бажарувчи ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир ҳафтадан ошмаган муддатда ўз мажбуриятларини талаб қилинган сифат даражасида қайтадан бажаради ва

аниқланган қўшимча харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди, лекин, аниқланган қўшимча харажатларни қоплаш мазкур шартнома қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартнома муддати тугагандан сўнг бажарувчи томонидан расмийлаштирилиб, буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхати топшириқда белгиланади.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2. бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.5. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.7. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.8. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун муружаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

#### **4. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### **6. Қўшимча шартлар**

6.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда лойиҳанинг маълум қисмини ёки бирор лойиҳавий ечимни ваколатли органлар билан келиша олмаса, (махаллий ҳокимиятлар, архитектура қурилиш бошқармалари, Давлат ҳаракат хавфсизлиги бошқармалари, муҳандислик коммуникацияларининг эгалари ва х.к.) ишларни бажаришнинг охириги муддатидан камида 1 (бир) ой олдин Буюртмачини ёзма равишда асосланган ҳужжатлар билан хабардор қилади, Буюртмачи эса шартноманинг бажариш муддатини узайтириб беради.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Сурхондарё вилоят иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз берилган томон олганидан кейин 10 (10) ой муддатни ташкил этилади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва Бажарувчи томондан ишлар топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.



6.7. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим;

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишув баённомаси (1-илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)
- Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш сметаси (3-илова)

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

7.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### «Бажарувчи»

"TERMIZ GRAND ROAD PROJECT"  
МЧЖ

Манзил: Термиз ш. Тарақиёт кўчаси 3-уй

Телефон:

АТ "Алока Банк" Сурхондарё филиали

Х/Р: 2020 8000 7053 9275 1001

Банк коди: 00401

ИНН: 308 493 584

ОКОНХ: 66000

директор \_\_\_\_\_ У. Сиддов



### «Буюртмачи»

"Ўзун туман Ободонлаштириш бошқармаси"

Манзил: Ўзун туман Ғубайдуллоев кўчаси 5-уй

Тел: \_\_\_\_\_

ш.х.в 4017222603222 140 452 204 115 005

ИНН: 205461242 ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Х/р: 23402000300100001010

Банк коди: 00014. ИНН: 201122919

директор \_\_\_\_\_

(имзо)



**Юрист визаси:** Мен "Ўзун туман Ободонлаштириш бошқармаси" юристи, ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим.

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi "Shartnoma"
2. Loyihaning nomi "Xo'jalik shartnomasi"

TERMIZ GRAND ROAD PROJECT, bundan buyon «Ish bajaruvchi» deb ataluvchi, rahbari U.Saiov, Nizom asosida ish yurituvchi bir tomondan va Obodonlashtirish boshkarmasi, bundan buyon «Buyurtmachi» deb ataluvchi, rahbari B.Turaev, Nizom asosida ish yurituvchi ikkinchi tomondan quyidagi shartnoma shartlarini bajarishi to'g'risida.

Bajariladigan ish xajmining umumiy qiymati O'zbekiston Respublikasi milliy valyutasi so'mda belgilanadi.

**Shartnoma umumiy narxi KKS siz 16450000 (o'n olti million to'rt yuz ellik ming) so'mni tashkil qiladi.**

Asos: Xodim arizasi. 12.05.2022 yil tuzilgan № 28-sonli xo'jalik shartnomasi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yurist konsulti

13.05.2022 yil.



M.Minkulov.